




1938 йил 30 январда Самарканд шаҳрида хизматчи оиласида тугилган. Олий маълумотли. Ўрта Осиё Политехника ва Тошкент Халқ хўжалиги институтларини тугатган. Мухандис-механик ва иктисодчи мутахассисликларига эга. Иктисод фанлари номзоди. Мехнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент кишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бошлаган. 1961 йилдан 1966 йилгача В.П.Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади. 1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, бош мутахассисликдан республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди.

1983 йилда И.Каримов Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

1986-1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимларида ишлади.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида И.Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август куни И.Каримов тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида И.Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

1995 йил 26 мартда бўлиб ўтган умумхалк референдуми якунларига кўра, И.Каримовнинг президентлик ваколати 2000 йилга кадар узайтирилди.

2000 йил 9 январда мукобиллик асосида ўтган сайлов натижаларига кўра, Конституцияга киритилган ўзгаришларга мувофик, И.Каримов 7 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

2007 йил 23 декабрида мукобиллик асосида ўтган сайлов натижаларига кўра, И.Каримов 7 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

2015 йил 29 март куни мукобиллик асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Унинг натижаларига кўра Конституцияга киритилган ўзгаришларга мувофик Ислом Каримов 5 йиллик муддатга мамлакатнинг олий лавозимида сайланди.

У оилали, икки нафар фарзанди, беш набираси бор. Рафикаси Т.А.Каримова — мутахассислиги иктисодчи, иктисод фанлари номзоди, Ўзбекистон Фанлар академияси Иктисодиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаган, айти пайтда — пенсияда. И.Каримов суверен ва мустакил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳукукий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан хиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун «Ўзбекистон Кахрамони» унвони, «Мустакиллик» ва «Амир Темур» орденлари билан тақдирланган.

Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг орден-медаллари билан ҳам мукофотланган.

Ислом Абдуганиевич Каримов 2016 йил 2 сентябрда 78 ёшида ўлган.